

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

24 ноябрь, пайшанба, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 232 (980)

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

23 ноябрь кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Европа Тикланиш ва тараққиёт банки директорлар кенгаши аъзоларидан иборат делегацияни қабул қилди.

Ислам Каримов Ўзбекистон билан Европа Тикланиш ва тараққиёт банки ўртасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди. Мамлакатимиз ислохотларнинг янги bosқичига ўтган айни пайтда ўзаро алоқаларнинг янада кенгайиши фойдали эканини таъкидлади.

Делегация раҳбари жаноб Жак Ревердин самимий қабул ва Ўзбекистон тупроғида кўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик билдириб, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан республикамиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш ҳамда истиқболли лойиҳаларни амалга оширишда кўмаклашиши тарафдори эканини қайд этди.

Қабул маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Б. Ҳамидов ва Қ. Ҳаққулов иштирок этди. (Ў.А.)

ҚИШГА ТАЙЁРГАРЛИК МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Одатда Тошкент шаҳар ҳўжалигини қишга тайёрлаш ишлари баҳор ойларидаёқ бошланади. Лекин қиш келди дегунча яна ташвиш кўпайди. Янги-янги муаммолар пайдо бўлади. Президентимиз Ислам Каримов 15 ноялдаги Тошкент шаҳар кенгаши сессиясида ҳам бу масалани муҳимлигига, унга масъулият билан ёндошмоқ зарурлигига эътиборни қаратган эди.

Шундан сўнг бу борадаги ишларда жонлиқни рўй берди. Хусусан, 97 километр узунликдаги иссиқлик узатиш шохчалари ташкирлан чикарилди, 7 километр янги трасса қурилди. 400 га яқин уйнинг томи, 300 та уй капитал ремонт қилинди. 13 иншоотда профилактика ишлари амалга оширилди. Лекин бу ишлар етарли эмаслиги аён бўлиб қолди. Буни шаҳар бўйича 70 га яқин уйга, 3 та мактаб, 9 та даволаш муассасасига ҳозирга қадар иссиқлик берилмагани ҳам кўрсатиб турибди. Бундан ташқари, ҳозирнинг ўзидаёқ 287 мартаба қувурлар ёрилиб кетди ҳоллари рўй бериб, қўлаб-ўйларга иссиқлик бериш вақтинча тўхтади. 306 та уйнинг подваллари қурилиш ишлари охирига етказилди. Айниқса, 9 ва 12 қаватли уйларнинг подвалларида санитария аҳоли ачинарли ҳолатда, маҳалларда сув, канализация ўтказиш ишлари тугаллангач, асфальт ётқизиш чала қолган ҳолатлар кўп учрайди.

Тошкентда 22 ноябрь кuni бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида ана шу -- Тошкент шаҳар транспорт-коммунал хўжалигини қишга тайёрлаш тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Уни республи-

лика Бош вазири А. Муталов бошқарди. Мажлисда Тошкент шаҳар ҳўжми К. Тулаганов, «Тошхўжалиқ» ширкати раҳбари уюшмаси раиси Р. Файзуллаев, шаҳар туманлари ҳўжмаларининг маъмур масала юзасидан ахборотлари тингланди.

Йиғилишда Тошкент шаҳар коммунал ва транспорт хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш ишлари талаб даражасида эмаслиги, баъзи уйлар, маориф ва соғлиқни сақлаш муассасаларига ҳануз иссиқлик берилмагани, транспорт ҳаракатидаги узилишлар шаҳар аҳолининг ҳақли эътирозига сабаб бўлаётгани таъкидланди.

Мажлисда шу нарса қайд этилдики, айрим туман ҳўжмалари, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари шаҳар ҳўжмаларига қишга тайёргарлик ишлари бажаришга янги ҳақда сохта маълумот берганлар. Боз устига, ёлгон гапириш, ваъда бериб устидан чиқмаслик, арз билан келган аҳолига қўпол муомалада бўлиш ҳоллари кишиларни ранжитмоқда.

Республика Вазирлар Маҳкамаси вазиятни ўнгаш, шаҳар ҳўжалигини зарур ашёлар билан таъминлаш мақсадига керакли миқдорда маблағ ажратмоқда. Шаҳар ҳўжмалари ҳам бу борада кескин қарорлар кўраётди. Чунончи, қокорида зикр этилган камчиликларни учун 2 туман ҳўжми, 7 та ташкилот бошлиғи ишдан четлатилди, бир қанча мутасадди раҳбарлар қаттиқ огоҳлантирилди. Мажлисда коммунал хўжалигини қишга тайёрлаш ишларини шу ой охиригача тугаллаш бора-сида белгиланган чора-тадбирлар маълумот учун қабул қилинди.

Транспортни шаҳар ҳаётининг қон томири дейиш мумкин. Унинг ҳаракат мароми бузилса, шаҳар иқтисодиётига зарар етди. Айниқса, қиш фаслида тра-

нспорт воситаларининг ишдан чиқиш, одамларнинг бекатларда тўпланиб қолиш ҳоллари кўп бўлади.

Бу соҳада ҳам ишларни яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, таъминот масаласини ҳал этиш борасида бир мунча тадбирлар амалга оширилаётгани мажлисда айтиб ўтилди. Чунончи, 8 та автобус қорқонаси, 2 та таксомотор парки раҳбари аниқланди. 200 нафар ҳайдовчи қайта тайёргарликдан ўтказилиб, шаҳар транспорт қорқоналарига ишга юборилди. Кейинги икки ой мобайнида 60 та янги троллейбус олинди. Германиядан сотиб олинган 250 автобусдан 50 таси иккинчи қўлдан шаҳар аҳолига хизмат қила бошлайди. Улар сафига янги трамвайлар қўшилди. Мажмуи 1825 автобусдан 1437 таси қиш мавсумига тайёрлаб қўйилди.

Мажлисда Тошкент шаҳар коммунал ва транспорт хўжалигини қиш мавсумига тайёрлаш ишларини зудлик билан тугаллаш, бу соҳада меҳнат, ишлаб чиқариш ва молия интизомини мустаҳкамлаш, шаҳар аҳолисининг самарали ишлаши, қўнғили ҳаёт кечириши учун барча шарт-шароитни яратиш юзасидан қўшимча, тегишли бирлашма, қорқона, ташкилот раҳбарларига аниқ топшириқлар берилди.

Мажлисда Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабқов, Бош вазир ўринбосари Б. Ҳамидов сўзга чиқди.

Мажлисда республика Бош вазирининг ўринбосарлари, алоқдор вазирлик, бирлашма, уюшма, қорқона ва ташкилотлар раҳбарларига иштирок этди. (Ў.А.)



Каттақўрғон шаҳридаги Мирзо Улуғбек номи ёг-мой комбинати вилоятдаги йирик қорқоналардан. Яқинда комбинат тўла-таъмирланиб яна маҳсулот бера бошайди. Ҳозирги кунда бу ерда бир йилда 300 минг

тонна чигит қайта ишланаяпти. Тез кунда қурилиш учун зарур бўлган олиф тайёрлайдиган линия ишга тушади.

СУРАТДА: совун цехи ишчиси С. Садыллаева. Т. НОРКУЛОВ тасвири.

ГЕРМАНИЯДАН ЯНА ДОРИ-ДАРМОН КЕЛДИ

Ўзбекистон Қизил ярим ой жамиятига Германия Федератив Республикаси Қизил хоч жамиятидан инсонпарварлик ёрдами сифатида дори-дармонларнинг наватбдлаги туркуми келди. Бу совга Фарғона, Бухоро, Жиззах ва Самарқанд шифохоналарига аталган. Германиядан илгари ҳам дори-дармон ва тиббиёт ускуналари келтириб турилган, бу ҳадялар Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Тошкент шаҳридаги шифохоналарга берилган эди. Бу -- Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти билан Германия Федератив Республикаси Қизил хоч жамияти ўртасида ўрнатилган яхши муносабатлар самарасидир.

Немис дўстларимиз экология вазияти ёмонлашган ҳўжлар, хусусан Оролбўйи минтақасига мунтазам ёрдам кўрсатиб келмоқда. Мисол учун, Германия Қизил хоч жамияти Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўлир туманидаги сув тозалайдиган қурилма қурилишини моддий жиҳатдан таъминлади.

Бундай инсонпарварлик тадбирларини амалга оширишда Германия Федератив Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонасининг хизмати катта бўлмоқда.

ЧИНОЗЛИКЛАР -- МАРРАГА ЕТДИ

Тошкент вилоятидаги Чиноз тумани пахтакорлари давлат қабул пунктларига 17,8 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб бериб, йиллик режани бажарди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ Х. К. ЗАРИПОВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФАХРИЙ ЁРЛИГИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали ижодий меҳнати, республикада цирк санъатини ривожлантиришдаги хизматлари ва жамоат турмушида фаол иштирок этаётганлиги учун Ўзбекистон халқ артисти Ҳаким Каримович Зарипов Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 23 ноябрь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЛЮТА БИРЖАСИДА

Ўзбекистон Республикаси Валюта биржасида 1994 йил 23 ноябрь кuni бўлиб ўтган савдода Ўзбекистон Республикасининг хорижий валюталарда операцияларини амалга ошириш ҳўқуқига эга бўлган ун иккита банки иштирок этди. Сотув ҳажми 6,00 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бир АҚШ долларининг қиймати--23,0 сўм даражасида қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 17 ноябрдан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйдаги қийматини белгиледи *):

1 Австралия доллари	17.46	10 Португалия эскудоси	1.45
1 Австралия шиллинги	2.11	1 Сингапур доллари	15.71
1 Англия фунт стерлинги	36.20	1000 Туркия лираси	0.63
10 Бельгия франки	7.21	1 Финляндия маркаси	4.87
1 Голландия гульдени	13.25	1 Франция франки	4.33
10 Греция драхми	0.96	1 Швейцария франки	3.13
1 Дания кронаси	2.79	1 Швейцария франки	17.54
1 АҚШ доллари	23.00	1 ЭКЮ	28.28
1 Миср фунти	6.78	10 Япония йенаси	2.35
1 Ирландия фунти	35.75	1000 Россия рубли	7.22
1 Испания кронаси	0.34	1 Эстония кронаси	1.84
10 Италия лираси	1.78	1000 Украина карбованец	0.25
1 Канада доллари	1.43	1 Латвия лат	42.12
1 қувват динори	16.75	1 Литва лит	5.75
100 Ливан фунти	76.98	1 қозғистон тенгеси	0.45
1 Германия маркаси	1.39	1 Молдова лейи	5.43
1 Норвегия кронаси	14.86	1000 Беларусь рубли	2.94
	3.39		

Х) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маъмур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олматан.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1994 йил 24 ноябрдан бошлаб маъсур пул алмаштириш пунктларида фойдаланиш учун нақд АҚШ долларининг қуйдаги тижорат қийматини белгиледи:

-- сотиб олиш қиймати: 1 АҚШ доллари -- 23 сўм;
-- сотиш қиймати: 1 АҚШ доллари -- 23 сўм.
Хорижий валютани сотиш чоғида сўм билан воситачилик ҳўқоли нади.

ЯНГИЛИКЛАР

«Халқ Ози» ва УЗА мухбирлари
хабар қилдилар

ЎЗБЕКИСТОН

Республика киночилар уйида «Президент кубоги» номи янги ҳўжатли фильм премьераси бўлди. Ўзбекистон илмий-оммабоп ва ҳўжатли фильмлар киностудиясининг бу маҳсулоти Тошкентда бўнёд этилган «Юнусобод» спорт мажмуида Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги учун ўтказилган халқаро теннис мусобақасига бағишланган.



Чуст туманидаги Олмос қишлоғида ишбилармон Саидқомол Акрамов «Се-мур» хўсусий қорқона қуришга киришди. У шу йил охирида ишга тушади. СУРАТДА: қурувчилар иш устида.

Қаршида шўхмот бўйича республика биринчилиги мусобақалари бошланди. Унда 40 дан зиёд кучли шўхмот усталари қатнашмоқда. Турнирнинг энг ёш иштирокчиси самарқандлик Жўрабек Ҳамроқуловдир. Уйинларга республика тоифасидаги ҳакам Қўрамон Ҳолмўминов бош ҳакам этиб тайинланган. Мусобақа 25 ноябргача давом этади.



Усмон Юсупов туманидаги «Жейнов» жамоа ҳўжалиғи кўп тармоқли. Қишлоққа пахтачилик, қорвачилиқдан ташқари саноат ҳам кириб келди. Яқинда бу ерда маъдани су ҳақдоқлайдиган цех ишга тушиди. СУРАТДА: ишчи Н. Тошев тайёр маҳсулотни истеъмолчиларга жўнатишга ҳозирлапти.

«Газли-Нукус» газ қувурининг иккинчи навбат қурилишида муҳим иш бажарилди. Узунлиги 680 метр бўлган кучли босимли газ қувурлари Амударё устида ўтказилди. Мурраккаб жараёни бажариш учун «Жанубийгазқурилиш» трестининг Султонбек Сапаев раҳбарлик қилётган участка аъзоларига беш кун қийф қилди.

Шу кеча-қундузда йирик объектнинг ҳал қилувчи 32 километрлик қисмида қурилиш-монтаж ишлари нийҳосига етпти.

Қорақалпоғистонлик қурувчиларга Хоразм, Бухоро ҳамда тошкентлик ҳамкасблари яқиндан амалий ёрдам бермоқда.

ЖАҲОН

Россия бош вазирининг ўринбосари, ташқи иқтисодий алоқалар вазири Олег Давидов ўтган яхшанба кuni Ал Риадда Саудия Арабистони Россиянинг собиқ СССР қарзлари фойзаларини тўлаш муддатларини анча кечиктиришга тайёрлигини айтди. Бу ерда гап Россия 1994 йилда Саудия Арабистонига тўлаши лозим бўлган 100 миллион доллар миқдоридagi собиқ СССР қарзлари фойзалари ҳақида бормоқда.

Жибутда рўй берган сув тошқини натижасида 70 га яқин киши ҳалок бўлди, юз мингдан зиёд фуқаро бошпанасиз қолди. Икки ҳафта тинимсиз ёққан ёмғир ана шундай фалокатларга сабаб бўлди. Маҳаллий ҳўкимият фалокат юз берган туманлар аҳолига яхши инсонпарварлик ёрдами юборишни сўраб, халқаро ҳамжамиятга мурожаат қилди.

Расмий маълумотларга қараганда, Эстонияда меҳнатга яроқли аҳолининг 1,4 фоизи ишсиз. Меҳнат бозори департаментининг маълумотларига қайд этилишича, ноябрь бошида ишсизлар сони 11766 киши бўлган. Бу бир ой авалги кўрсаткичдан 600 нафар кам демакдир.

Мамлакат федерал ҳўкумати собиқ ГДРнинг бирлашган социалистик партияси етказган зарарни қоплаш учун жабрдийдаларга 250 миллион марка тоvon пули тўлади. Адлия вазири С. Лойтхойзер-Шнарренбергернинг таъкидлашича, йил охиригача унинг ҳажми 400 миллион маркага етади.

Япония ҳўкумати мамлакатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг экологияга таъсирини ўрганиш билан шуғулланувчи маҳсуус қўмита таъсис этиш ниятида. Унинг тавсиясида кўра, ҳўкумат саноат ишлаб чиқаришининг атроф муҳитга салбий таъсирини сусайтиришга эришишга интилади.

Жорий йилнинг январидан октябрь ойигача Хитойнинг Хэнан вилоятида иқтисодий соҳада дахлдор қонунбузарлик юзасидан 1200 жиноий иш қўзғатилган. Давлат хазинасига 45 миллион юан миқдоридagi ўмарилган маблағ қайтарилган.

БИРОРТАЯМ ТАНҚИД НАТИЖАСИЗ ҚОЛМАСЛИГИ КЕРАК

«ҚОР ОСМОНДА
ҚИШЛАМАЙДИ»
(1994 йил, 4 ноябрь)

Мақолада Охангарон тумани марказидаги кўмир омборхонасидан одамлар бу зарур ёқилгини тополмаётганликлари, газ қувурлари ўтказиш ишлари ҳам нийҳосига етказилмаганлиги, натижада тумандаги қатор қишлоқларда меҳнатқашлар қиш учун ёқилгини қаердан олишни билолмай хавотирда эканликлари таъкидланганлиги.

«Мақола чоп этилгандан сўнг вилоят ҳўкимияти раҳбарлари Охангаронга бориб, пудратчи ташкилотлар, туман раҳбарлари, Қоракўй қишлоғи фойдалари ишторкида унда кўрсатилган камчиликларни қўриб чиқди, -- деб ёзди «Тошвилоят» бошқармаси бошлиғи Ғ. Жўраев. -- 1993 йилда Охангарон туманини газлаштириш юзасидан бир-мунча ишлар бажарилди --

13,5 км газ тармоғи фойдаланишга топширилди ва 30 декабрда Қоракўй қўрғонига газ берилди.

Жорий йилда туманни газлаштириш нисбатан жаддалаштирилди. Ушбу мақсадлар учун маблағ етишмаслигини ҳисобга олиб Республика ва вилоят раҳбарияти ички имкониятлардан оқилана фойдаланган ҳолда «Ўзбекнефтегаз» миллий корпорацияси бюджетидан пул ва материал ресурсларини топиш ҳақида қарор чиқарди. 1994 йилнинг ўтган ун ойи мобайнида туманни газлаштириш учун 1 миллион 525 минг сўм сарфланди, унинг 845 минг сўми вилоят бюджетидан олинди.

1994 йил 5 ноябргача Охангарон туманининг юқори қисмида 80 км газ тармоғи қурилиб, 56 км газ тармоғи фойдаланишга топширилди. 128 онлага газ берилди, 260 хонадон эса газ улашга тайёрлаб қўйилди.

«РАҲБАРЛАРНИНГ
БАҲОНАСИ»
(1994 йил, 13 август)

Юқоридagi сарлавҳа остида Урганч шаҳридаги Ленин кўчаси 8-а, «Ўз-

бекистон» кўчасидаги 27, 28, 29/1-уйларнинг 3-4-қаватига совуқ сув чиқмаётганлиги ҳақида ёзилган эди.

«Мақола шаҳар ҳўкимлигига чўқур ўрганилди, -- деб ёзди жавоб мактубида Урганч шаҳар ҳўкимининг муовини Б. Абдуллаев. -- «Ўзбекистон» кўчасида жойлашган бир неча кўп қаватли турар жойларнинг юқориги қаватига ичимлик суви чиқмаслиги сабаблари аниқланди. Завод томонидан қўшимча 150 метр қувур ўтказилиб, уйларнинг юқори қаватларига сув чиқиши асосан, таъминланди».

«ТЕЗЮРАР ҚИЛИБ
ҚУЙИЛСА»
(1994 йил, 20 август)

Сирдарё вилояти, Ҳовос тумани, Чамбил қишлоғида истиқомат қилувчи Шўхрат Шодиев «Тошкент -- Ҳовос» йўналишидаги эле-

ктр поездларини «тезюра» қилиб қўйилса, йўловчилар манзилларига тезроқ етиб борадилар, деган таклифни билдирган эдилар.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон темир йўллари Давлат акционерлик компанияси йўловчилар хизмати бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи М. Одилов имзоси билан қуйдаги жавоб мактубини олди.

«Ушбу мақола Бошқарма раҳбарияти томонидан қўриб чиқилди. Унда назарда тутилган «Тошкент -- Ҳовос» шаҳарлараро қатнайдиган электр поезди шу йўналишда мажбур бўлган барча бекатларда 3-5 дақиқа тўхтаб ўтади.

Яна шунини ҳисобга олиш керакки, ҳозирги шарапта автомобиль транспорти хўжаликларида ёқилги етишмаслиги сабабли қатнов тартиби қисқартирилган. Шунинг учун ҳам юқорида қайд этилган йўналишда қатнайдиган электр поезидан фойдаланадиган аҳолининг талаб ва истакларини ҳисобга олиб, электр поездини тезюра қилиш мумкин эмас».

Обуна-95

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИ

Аёл ва жамият -- жамият ва аёл... Бу икки тушунчани бир-бирдан айри тасаввур этиш гоятда қийин. Зотан ҳеч бир жамият аёл иштирокисиз юксалишга эришолмайди. Жамиятнинг маъно-моҳияти, ундаги турли қатта-кичик ўзгаришлар -- инқироз ва юксалишлар албатта аёл ҳаётида, қалбида ҳам акс садо беради. Чунки яратганнинг ўзи аёлга оналикдек буюк ва машаққатли хислатни ҳамда куч-қудратни ато этган. Аёл ҳаёт ва ўлим аро минг бир талва-са-ю таҳлика, азобу укубатни энгиб оналик шарафига эришаркан, тинимсиз чирқирётган гўдакча кўкарагини тутаркан, бутун вужуди, қалбининг туб-тубидан бир улуг тилак ҳам тугилиб, куйилиб келаверади: «Илоё дунёда тинчлик, рўшнолик барқарор бўлсин, илоё болаимизни зиён-заҳматга учирамай воёга етсин, эл-юртга муносиб фарзанд бўлиб етсин»...

Аёл -- она қай миллият қай халққа мансуб бўлмасин -- истақлиқ -- одамизнинг ҳаёт дарахти абдий яшнаб, яшилганиб, яшариб турсин.

Мен Аёл -- Она -- Жамият -- Ватан каби муқаддас тушунчалар ҳақида, уларнинг ўзаро ҳамбарбас бондарилиги, узвийлиги ҳақида фикр юртгарканман, иштиёқсиз равишда умри-нинг сўнгги соатларига ҳам китобни қўлдан қўймаган, ғазал ўқиган, ёллаган, сира чарчамаган, уч алфавит -- араб, лотин, кириллицада ўқигани ёзиш билан биланган бир мусулма аёл -- раҳматли буювганим Муқаддасон Тўрақўжа қизи тақдирини эсладим...

Этган давр, жамият барча ўзига тенгдош аёллар сингари бўлиб ҳаётида ҳам тўла аксини топтиди.

Эр «халқ душмани» тамгаси остида қамалиб, бечоруми нишон кетгач, беш фарзандни қўл ҳунари -- дўшмандлик қилиб воёга етказган, турмушнинг барча аччиқ-чучуги мардона туриб дош бера олган буювганим ажаб бир ҳаётсавар инсон эдилар. Буювнинг руҳияти ҳамиша тегик, қадди ҳамиша тик эди. Турмушнинг майда-чуйда ташвишларидан эсанқираб ўзини йўқотиб қўйган, умидсизликдан бечорана айланган қолган одамларни кўрса, зардаси қайнаб кетарди -- тиббх беради, ношукур бўлмасликка, сабр-қаноатга чақирарди, кўнглига таскин-тасалил бағишларди, ҳар қандай дарду ғамнинг дармони бу -- меҳнатсеварлик, яратувчилик эканлигини ўқитарди... Бундангина чинакам инсоний ҳусусият бизнинг асарият оналаримизга хосдир. Ўзбек аёллари асрлар давомида шонлироқ лол қилиб таърифлаганидек, қушсувратгина бўлиб қолмасдан, балки ақлу фаросат-

ли, сабр-қаноатли, андишали, меҳнату заҳматга чидам-лидирлар. Улар фарзандлари меҳр-муҳаббат улашиб, жигарбандларини оқ ювиб, оқ тараб, яна тагин давлат ва жамият хизмати ҳам ўрнига қўйиб урғулашга улгурдилар. Аёлларимиз яхши билалдири, бугунги мустақиллик шароитидаги бунёдкорона меҳнат, эртанги кунда ўз мевасини беради, келажик буюк давлатни қуриш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилиди.

Зотан, муҳтарам юртбошимиз Ислам Каримов айтганларидек: «Ватан озод экан, энди қилаётган меҳнатимиз четга кетмайди, балки шу юртнинг келажиги, фарзандларимиз бахт-саодати учун хизмат қилади».

Шу ўринда мен аёлга ҳамиша маънавий таянч, мадад, қувват бағишлагани олий мақсад деб билган «Саодат» журнали фаолияти ҳақида ҳам икки оғиз таъриб ўтмоқчиман.

Аёл оғирроқ эканлигига қарамай қизалоқ билан тонгги поездда пойтахтга етиб келди. У ўзи яшайдиган қишлоқда, туманда дардига дармон тополмагач, эри ва қайнонаси томонидан топ-талган қадр-қиймати тикланмагач, шундангина узоқ йўлга отланган. Борар манзили аниқ -- «Саодат» редакцияси, ишончи қомилки, бу ердан у ноумид қайтиб кетмайди, уни бу ерда тушунишди, йўл-йўрқ кўрсатишди, адолат албатта қарор топади.

Ойла қурилди -- лекин фарзанд пайдо бўлмади. Аёл синашга, меҳрибон, жондай азиз эридан воз кеча олмади. Эр-хотин масаллашди тур-қуридан турт кунлик қизалоқни олишди. Умид қилишдики, бу қизалоқни ўз фарзандлари деб қабул қилишса, меҳр кўрсатиб парвартиш қилишса, қариган чоғларида таянч бўлади... Лекин қизалоқ ўсиб улғайган кимлиги, қандай келганини, қимлар тугайли одам бўлиб қолганини унутди, кекайиб мадада муҳтож бўлиб қолган онани ҳурмат қилмай қўйди, ҳўрлади, дилига озор берди. Кека аёл дарду ҳасратини тўкиб солгани тўғри «Саодатга» муножаат қилади...

Қиз ёшлик қилиб, кўнгли кўчасига қандай қилиб қолганини, қандай алданганини, алашганини билмай қолди. Энди ана шу бебошликнинг аччиқ мевасини тотишга қамжор... У малал эзлаб, масаллаҳ сураб «Саодатга» кириб келди...

Ойла барбод бўлди. Суд ажрим чиқарди. Эракс зиммасидати «юкдан қутулган» шод. Энди янги бахт қушини қўлга илтиришдек қушини ташвиш оғушида. Йўл ўртасида фарзандлар қўшо-вида лол ва ҳайрон қолган аёл бошида эса ғордек оғзини очиб турган тирикчилик ташвиши... Нобакор эр-отадан фарзандлар ҳаққи ҳуқуқини ундириб олиш илгин-жида у ҳам «Саодатга» йўл

олади.

Эҳ-ҳе, бу ҳаёт олтиғ оламда жону жисми гуддан нозик, тошдан қаттиқ аёл не сиру синаотларни бошидан кечирмайди, дейсиз... Аёл тошдан қаттиқлиги учун ҳам ўз чекига тушган барча ғаму ташвишга чидайди, сабот-матонатини қалқон қилиб бордош беради. Лекин турмушдаги кўргуликларни ҳалдидан ошиб табиатидаги «гуддан нозик»лиги устун келиб қолса ёрдамга муҳтож-лик сезади... Ана шунда у «Саодатга» муножаат қилади... Аёл билалдики, «Саодат»да уни тушунишди, дардига чора излаб топишдан, тўғри масаллаҳни беришдан, тўғри йўлни топиб беришдан эринишмайди.

Ҳа, «Саодат» республика мидаги энг сеvimли, ардоқли, обрўли нашрлардан саналганини ҳеч ким инкор этмас керак. «Саодат» кириб бормаган хонадон, уни ва-рақлаб ўқиб ҳузур толмаган, ўйга толмаган одам гоятда очилишни ташкил этса керак.

Бизнинг бутунимиз, кечир-раётган турмушимиздан ҳам вақт жиҳатидан, ҳам моҳият мазмун жиҳатидан гоятда олислашиб кетган узоқ 1925 йил декабрида дунё юзини кўрган журналимиз ҳамиша жафокаш, меҳнаткаш аёл-римизнинг дардига дармон, қувончу қайғусига шерик, орзу -- умидларига қанот бўлди. «Янги йўл», «Ёрқин турмуш», «Ёрқин ҳаёт», «Ўзбекистон хотин-қизлари» -- булар «Саодат»нинг илгарги номи. Лекин журнал қандай ном билан аталмасин, қандай даврни бошидан кечирмасин -- дунёдаги энг азиз ва муқаррам зот -- Аёл шаън-шарафини ҳимоя этиш, Аёлга маънавий қувват ва таянч бўлиш, Аёлга -- аёл -- она эканлиги учун ҳам жамиятда ўз қад-қиммати-ни биланд тутишни ўргатишдан чарчамайди, чекинмайди.

Шахтёр меҳнати ва заҳмат билан тенг қийматда ба-ҳоланувчи журналистлик касбига ҳамиша қалби ёниқ, толмас, изланувчан инсонларгина дош бера олишлари мумкин. Журналистда турли йилларда фаолият кўрсатган филокор журналистларни қадрдон ўқувчилари-миз яхши билалдилар, эс-лайдилар.

«Саодат» бугунги кунда ҳам халқ эътибори, назари-да...

Қоғоз ва бўёқ тақчилли-ги, маблағ етишмовчилиги, напшиёт билан боғлиқ муам-молар барча матбуот орган-лари қаторида «Саодат»ни ҳам четлаб ўтгани йўқ албат-та... Журнал чиқишининг ана ашу каби қийинчиликларини қадрдон журналистларимиз ҳам яхши ҳис этишадилар, бизни тушунишди баъзида кечиришди деб умид қила-миз. Шу ўринда мен омади юришган тадбиркорларимиз-ни, бадавлат қордошларимиз-ни жумҳуриятимиз хотин-қизларининг, оналари-мизнинг қалб садоси, қўз қа-

роғига айланган қолган жур-налимиз ўз номига муносиб, ёрқин безакли, ўқимишли чиқишини таъминлаш учун маблағ жиҳатидан имко-ниятлари доирасида ёрдам беришга чақирдим.

«Саодат» ўзининг бош йў-налишига, бош мақсадига ҳамиша содиқ -- Аёл ва уни-нг жамиятдаги ўрни, Аёл-нинг оиладаги бекалиги ва оналиги, Аёл ва олоб-ахлоқ масалалари, Аёл ҳамда санъат ва адабиёт, аёл ва қо-нун, аёл ва унинг нафосати, назокати, дилу фаросати... Хуллас, Аёлни -- Онани юк-сак даражага кўтариш, ар-доқлаш, унинг ҳусни жамо-ли, ёшлиги, соғ-саломатли-ги, маънавий ички дунёси-ни гард юқтирмай авайлаб-асрашга ҳисса қўиш, жа-мият ва давлат -- диққат -- эътиборини Аёл томонга қар-атиш «Саодат» учун муқад-дас вазифадир. Зотан, Аёл -- гўзаллик тимсоли, «Дунё-ни гўзаллик қутқаради», -- дейишганидек, мустақил давлатимиз қурилишида гў-заллигининг олий тимсоли -- Аёлнинг ўрни ва роли бе-қийсдир.


Айни пайтда ҳамма жойдагидек бизнинг редак-циямизда ҳам ўтаётган йил сарҳисоб этилиб, янги йил-га тайёргарлик кўриляпти. Кўп йиллардан буён журна-лимиз саҳифаларидан туш-май келётган «Она ҳақида сўз», «Этласанг элакда сув», «Мунавар оқшом ҳикмати», «Мактублар, мактублар, мактублар...» «Шеърят» ка-би руқнлар остида қатор ма-қолалар, ҳикоялар, шеърлар тайёрлаб қўйганмиз. Ёш қиз-ларни дилдан суҳбатга чо-рловчи, ҳаётнинг энг мушкул чорраҳасида туриб қай то-монга қадам босишни би-лолмай чорасиз қолган аёл-ларга қарата, эндигина тур-муш қурмоқчи бўлган қиз-лар учун ҳам, ҳаёт аччиқ-чучугини тотавериб қатик-ни ҳам пуфлаб ичатишдан да-ражага етганлар учун ҳам бирдай фойда берадиган -- инсон маънавий дунёсини бойитишга хизмат қилувчи янгида-янги руқнлар ости-да мақолалар бермоқчимиз.

Мақсадимиз -- журнали-миз юзини кўрган ҳар бир мақола, ҳикоя, шеър, сура-т ўқувчини лоқай қолдирма-син, ўйланиш, суҳбатга, му-нозарага чорласин, инсоний баркамоллик сари бир қа-дам олдинга ундовчи йўл-ламма бўлсин.

Мен фурсатдан фойдала-ниб кўп минг сонли муш-та-рийларимизни янги йилда ҳам биз билан яқиндан суҳ-батдош бўлиб қолдишлари учун ҳозирдан тараддул кў-ришлари лозимлигини эсла-тиб қўймоқчиман.

Азизлар -- «Саодат»га обуна бўлишга шоииндир, чунки мутоала қилингизга ҳузур бағишлагани қолмас-дан уни маънан бойитадилар, ақлингизни чарқлайдиган, дунёқарашингиз чегараларини кенгайтириб юборадилар.

Дилбар САИДОВА,
«Саодат» журна-ли бош муҳаррири ўринбосари.



Шайхонтоҳур тумани улғуржи ва чакана мева-саб-завот корхонасига қарашли 7-мева-сабзавот дўкони пештахталари ҳамиша маҳсулот билан тўла. Дўкон ходимлари Тошкент вилоятининг турли туманлари жа-моа ҳўжаликлари билан тўғридан-тўғри шартнома ту-зиб, аҳолига сифатли маҳсулотларни етказиб бераё-тирлар. Албатта, бундан харидорлар жуда мамнун. Бундан ташқари, маҳсулотлар бозор нархидан анча арзон.

СУРАТДА: дўкон мудираси, меҳнат ветерани, савдо аълоҳиси Турсуной Ишматова ва сотувчи Рустам Раҳ-матжоновлар.

Ш. ИБРОҲИМОВ тасвири.

ПАРВОЗНИНГ ЯНГИ ДОВОНИ

Буюк Британиянинг Ман-честер шаҳридан ўчиб кетган самолёт яна бор Тошкент аэро-портига қўйди. Бу «Ияво» ва «Ната» каби халқро аниқла-ташқилотларига тенг ҳуқуқли аъзо бўлиб кирган «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпания-си учувчилари амалда охира бо-лаган 15-халқро йўналишидир.

Айни пайтда миллий авиа-компаниямиз Германия, Туркия, Бирлашган Араб Амириклар, Малайзия, Баҳрайн, Ҳиндистон, Хитой, Саудия Арабистони, По-кистон, Корея, Исроил, Тайланд каби мамлакатларга йўлов-чилар ташимокда. Янги йўна-лиш эса Буюк Британияни ма-макатимиз билан боғлайдиган ик-кинчи кўришдир.

Ҳозирча Деҳли -- Тошкент-Лондон йўналиши бўйича ҳаф-тага тўрт бор самолётларимиз Буюк Британияга қатнар эди. Энди янги йўналиш тугайли ҳафтанинг беш кунини йўловчи-ларнинг Англияга сафар қилиш-ларига имконият яратилди. Шу-нисин қувончлики, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпания-си хизматидан фойдаланганга йў-ловчилар сонин кўп сайин йўл-борлиги. Бу миллий авиакомпания-миз жаксоннинг энг обрўли авиакомпанияларидан сифатида му-носиб ўрни олиётганига далил-дир. Йўловчиларга намунали хизмат кўрсатишга ташкил ушунг-обрунча обрў қўишти.

Янги йўналишдаги яна пар-вонинг биринчи даражаси учув-чи С. Ахмед раҳбарлигидаги «ИП-62» экипажи муваффақиятли амалда олишди. -- дейди компа-ния бош директори Гапн Раҳи-мов. -- Илк парвоз чоғидаёқ йў-ловчилар қўлини бу йўналиш-нинг истиқболли эканлигини кўр-сатди. Ҳозирча авиакомпания-миз хизматидан фойдаланганлар асосан Деҳли ва Қарачига борадиган транзит йўловчилар. Биз улар сафни Европани сафар қилганга ватандошларимиз, қо-лаверса, юртимизга саҳват қил-лиш истагиди бўлган хорижий сайёҳлар билан тўла боришига умид қиламиз.

Ҳа, миллий авиакомпания-миз юксалиши йўналишда яна бир довон ортда қолди. Келгусизда режалар эси янада улаш. Ҳале-май ўзга қитъага -- Нью-Йорк-ка парвозлар бошланади, Айни пайтда авиакомпанияси учувчи-лари «А-310» замонавий авиалай-нерида бу йўналишни ўзлашти-ришга ҳаракат қилиштиради. Жа-ҳоннинг Амстердам, Жакарта, Рим, Қоҳира, Хосиени каби шаҳарларига самолётларимиз қатнаши ҳам режалаштирилган.

Авиакомпаниямиз эриш-ган бу ютуқлар маънавиятимиз-нинг ўсиб бораётган қудрати ва обрў-эътиборига ҳамроҳдир.

Ғалабанинг 50 йиллигига

ЎЗБЕК ЖАНГЧИ АЁЛЛАРИ

ЖАСОРАТ

Замондошларимиз ичида шундай авлод борки, уларга ҳар қанча қуллук ва таъзим қилсанг арзийди. Бу урушда бўлган жанг машаққатларини паҳлавон йигитларимиз билан баҳам кўрган сабр-тоқатли, жасур ва фидойи аёлларимиздир.



Маълумки, 1418 кеча-кундуз давом этган фаши-змга қарши урушда собоқ СССР Қурулди Кучлари са-фиди бир миллионга яқин хотин-қиз бўлган.

150 мингдан ортиқ аёл жангатор хизматлари учун ҳукуматнинг юксак орден ва медаллари билан тақдир-ланган, 86 хотин-қиз қа-рамонлик унвонига сазовор бўлган.

Хуллас, турли касб эгала-ри бўлган аёллар жанг майдонидан, мерган, алоқа-чи, учувчи, врач, ҳамшира, кузатувчи, разведкачи, пу-лемётчи ва бошқа юмуш-ларни бажариб, душманга қаттиқгина зарба беришган. Бундай жасур аёллар ора-сида ўзбекистонлик хотин-қизларнинг ҳам катта гуру-ҳи бор эди.

МЕРГАН ҚИЗ

Уруш бошланган бирин-чи кунлардан оқиб ўзбек кизи Зебо Ғаниева кўнглиллари сафига қўшилди. Зебохон у пайтлар Москвада -- дав-лат театр санъати институ-тида ўқирди.

У даствавал мерганлар полкида хизмат қила бош-лади. Биринчи марта жанг-га 1941 йил ноябрь ойида кирди. Зебохоннинг бўли-масига Михнево районида-ги катта йўл ёқасидаги ўт-очиш нуқталарини эгаллаш топирилган эди. Тонг от-ганда душман танкларни ту-рна қатор бўлиб, улар томон ўрмалаб кела бошладилар. Ниқобланган жангчилар танк-ларнинг яқинроқ келиши-ни кўтириш ва қутулмаган-да уларга кетма-кет ҳужум қилишди. Саросимага туш-ган душман чекинишга мажбур бўлди. Жанг майдон-ида бир неча мажакданган танк ва фашист газандала-рининг жасадлари қолди.

Зебохоннинг ҳарбий маҳо-рати кундан-кун орта бор-ди. 1942 йилнинг май ойи-да Катта ва Кичик Врислово қишлоғининг озод қилиш-даги жангларда кўрсатган жа-сорати учун унга «Қизил Юлдуз» ордени берилди.

МИНГ БИР ЖОН

Гап урушда қатнашган шинелли аёллар ҳақида бо-рар экан, албатта, биринчи навбатда унинг номи тилга олинади. У -- яқинда мус-тақил Республикамизда би-ринчи марта таъсис этил-

Мустақиллигимизнинг уч йиллик шодликлари арафасида Президентимиз-нинг махсус фармони би-лан юксак орден ва медал-ларга сазовор бўлганлар рўйхатида «Шухрат» нишони соҳибаси, собоқ жанг-чи-ҳамшира, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқувчи, меҳнат фахрийси Мавжуда Самадова ҳам бор.

-- 1944 йилнинг май ойи эди, -- дея фронт воқеа-ларини эслайди суҳбатдош-им. -- Аскарларимиз Севас-тополь яқинидаги Сапун то-ғи учун аёвсиз жанглар олиб боришарди. ўша жангларда ярадор бўлдим. Қўмондон-лик мени уйга жўнатишга қарор қилди. Икки ярадор зобитнинг бирини Симфе-рополга, иккинчисини Тош-кентга, қўз касалликлари мутахассиси академик Фи-латов клиникасига олиб бо-риш ҳақида жангатор топ-шириқ олдим.

Менинг Тошкентга ку-затиб борадиганим -- Сапун тоғидаги шиддатли жанг-ларда икки қўздан оғир яраданлан йигит-баталон командирининг ўринбоса-ри капитан Аҳмаджон Му-ҳаммаджонов бўлиб, Ко-сонсойдан экан. Узоқ йўл-да бир-биримизга ҳамроҳ бўлиб, ўтган-кетганларни гап-лашди келдик. Ниҳоят, Тошкентда унинг қўзини моҳирлик билан операция қилишди. Мен Аҳмаджон ақанинг олдидан бир қа-дам ҳам нари кетмай, унинг кўнглини кўтариб турдим, ҳамширалик бурчимни ба-жардим. Аҳмаджон ақани-нинг чап қўзи бироз кўрали-ган бўлди. Тақдирни қара-нкти, жанг майдонларида, уруш оқибатларини тута-тишдаги ҳамкорлигимиз бизнинг оила қуришимиз-га асос бўлди. Бирин-ке-тин икки ўғиллик, кейин-чалик келинлик, неварлик бўлди. Мен жангатор дус-тимни сира ёлғиз қолдир-мадим. У қаерда ишласа, унга ҳамроҳ, ҳамкор бўл-дим.

Ғалаба соғномасига но-млари зарҳал қарфлар билан битилган яна қўллаб ўзбек аёллари борки, уларнинг ҳар бири ҳақида қанчадан-қанча шеър, дoston, қаси-да, қиссалар ёзиш мумкин. Булар: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тиб-биёт фанлари доктори, про-фессор Ҳанифа Муродова, шофокор Фахринисо Рама-нонова, янгийўллик ҳамши-ра Манзура Мастонова, тошкентлик, опа-сингил Мунира ва Розия Ғисова-лар, Ҳикоят Мугалова, зан-гиталик Лутфиҳон Юсупо-ва, бухоролик Раҳимхон Алимова... ва яна бошқа-лар.

Искандар РАҲМОН,
Қурулди Кучлар
фахрийси.

Сурагда: Ўзбекистоннинг жасур жангчи аёллари.

Иисон ва қонун

НИҚОБ БАРИБИР ОЧИЛАДИ

Мамлакатимиз мустақиллиги мустаҳкамланиб, қонуларга амал қилиш яхшиланган бораётган бугунги кунда жониятлар сонин ҳам сезиларли даражада қамаймоқда. Утган йили Сурхондариё вилояти ҳудудлари тармоғида 283 марта жоният қайд этилган бўлса, шу йилнинг 10 ойи мобайнида бу кўрсаткич анча пасайди. Давлат мулкчили ва фуқаролар юқини ўтириш ҳам анча қамайди. Термиз транспорт прокурови Нортонжи Халилов билан ЎзА муҳбири ана шу мавзуда суҳбатлашди.

-- Республикада гўёки мод-далар текни бойлик топиш йў-лига тушган кимсалар учун му-май пул яшаш мавбодир. Бу-нин ўзига касб қилиб олган биз-ни одамлар ҳали ҳам учраб тур-и-бди.

Гўёки моддалар билан шуғулланувчиларнинг кўнчили-ги қўшни давлатлар фуқарола-

ридир. Улар қингир йўлар ва уюшлар билан вилоятимиз ҳу-дуддан ўтишга ҳаракат қилмоқ-да. Шу йилнинг 5 августидан Сар-ион вилоят фуқаролари 23-Ду-шанбе-Москва теъзорар поезда-тига ўтирган Тошкентнинг фуқаро-си Қурбонбой Тешеванинг иста-та термоси ҳодимларимиз диққа-тини ўзига тортиди. Термослар си-нчовлик билан текшириб қўри-ланди, уларнинг шишалари таг-ига 1 килограмм 954 грамм қораз-ор жойлангани аниқланди. Шу йилнинг бошида Денов теъзир-йўли бекатидан поездга ўтирган Об-еулв Бойматовдан 2 килограмм-дан зиёд морфин топилиди. Тек-ширув чоғида бу аёлнинг шерик-лари -- денонинг Рашид Бойма-

ханова, Шербобо Пардаев, оза-рбайжонлик Раси Агаионовлар ҳам ушланди.

Деновлик Мавлуда Эргашева, Амриқул Шамендинов, Токи-китов фўқароси Мадинат Пар-ишева ҳам жониятчиликнинг шу-усулдан фойдаланган.

Яна бир мисол. Россия фуқаро-син Андрей Еремеев, Термиз пахта тозалаш заводининг меҳ-натта ҳақ тўлаш бўлимин бошли-ғи Бобокўл Тошқулов, вилоят бо-шқаруви шифохонасининг врач-лари Абдулҳамид Эшназаров, ИБ-роҳим Саидқуллов «Савути» ру-сумли телеъзорнинг киносекон-ида 2 килограмм 240 грамм напса, 3 килограмм 320 грамм қоразорини жойлаб, Россияга у-моқчи бўлганлиги, Термиз аэро-портида ушланди.

-- Тошкентдагилик мурасиб вазиет тугайли бизан одамлар қўлда навозтезиз қўроз-яроғ-лар тўғрилиб қолган. Бу қўроз-ларнинг мамлакатимизга ҳудудга олиб келинишга қарши проку-ратура қандай чора-тадбирлар қўрипти?

-- Ҳақиқатан ҳам, бу ҳол биз-

ни ҳамиша сергак бўлишга у-ндайди. Бекатлардаги назорат-ку-затув нуқталари ва вилоятимиз ҳудуддан ўтадиган теъзирйўл, автомобиль йўлларида ишончли тўсқинлар бор. Шу йилнинг 25 июлида Сирдарё теъзирйўли бека-тида Душанбе-Москва теъзорар поезда йўловчилари -- Россия фуқаролари В. Галоганок, А. Зейдин, Тошкентнинг фуқаро-си С. Ҳазратқуловдан 3 та Қазап-ишнов автомоти, 6 та жангатор граната, 1 та тўтишма, 50 дона ўқ мусолара қилишди. Бундай мисолларни қўллаб келтириш мумкин. Аммо, шунинг айтиш-ни мумкин, ҳодимларимиз қоранг-лиги ишларининг маъс-ҳийалла-рига қарши қаттиқ курашмоқ-да. Саъй-ҳаракатларимиз нати-жасида жониятчиларнинг режа-лари барбод бўлипти.

-- Теъзирйўл ва дарё порти орқали ўтаётган транзит юка-рининг йўллари, омборларда йў-қолиб қолаётган ҳуқуқсизда ни-ма дея олсанг?

-- Гангизда жон бор. Тер-миз дарё портида бўлган ўтир-лик бўйича 18 киши жоний

жавобгарлигига тортилди. Улар-ку қилмишларига яраша те-ғинли жазосини олди. Лекин транзит юкаларининг савдани-ши учун жавобгар бўлган ша-хслар бу жоний гуруҳга қў-шилди, ҳатто уларнинг ташки-лотчилари бўлиб чиққани ки-шини ташвишлантиради. Бу ў-рликка омиб мудури Қувон Ерлинисова, дарё порти божа-хонаси ҳодими Альберт Гари-нов соқчили бўлимин ҳодим-лари, теъзирйўл ҳайдовчиси, порт ишчилари бош қўишган. Тергов ва суд жараянида ўти-рар жами 70 миллион сўм-қуноқли турли озиқ-овқат маҳсулотлари, қурилиш мате-риаллари, хомаш, ҳўтиқ қи-сылари умарган неботланди. Еки ўтган остиёри ойининг охири куллари Болдир бека-тидаги ўғирлик бевосита те-мрийўлда ишлайдиган шахслар томонидан содир этилган. Хо-шар шу жоният бўйича тергов ишлари давом этмоқда.

Хўжаси қилиб шунинг айтмоқ-чимани, жониятчилар қанча-лик ниқобланмасин, уларнинг кидирқон албатта очилади. Бундай кимсалар ўз қилмиш-ларига яраша теғинли жаза олади.

Иқтисодиёт чорраҳаларида

Андижондаги «Газмол Анд» ҳиссдорлик жамияти фойда қисқа вақт ичида оёққа турди. Халқ ҳўжалиги учун эҳтиёж-боп маҳсулотлар ишлаб чиқариб, давлат газнасини бойи-таётди. Қўшимча ишчи ўринлари яратилди. Қўйилган мақола ушбу жамоанинг иқтисодий оидимлари ҳақида.

Тешабоев ўша кунларни ҳаяжон билан эслади. Ҳар гал ҳаёлидан ўтказганда вужудини аллақандай туйғулар қамраб олади.

...Ўзбекистон байроғининг илк бор Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси майдонида ҳил-пирашини, юртбошимизнинг бу ердаги катта йи-гинда нутқ сўзлаганини у Америкада кўрди, эшитди. Президентимизнинг америкалик бизнесменлар билан учрашуви хорижликларда қандай таассурот қолдирганлигини гўвоҳи бўлди. Очигини айтиш керак, америкаликлар мамлакатимиз ҳақида ҳали етарлича тушунчага эга эмасдилар. Ўша тарихий ташриф, самими мулоқотлар жуда кўп нарсани ойдинлаштирди. Улар мустақил Ўзбекистонга ўзгача кўз билан қарай бошладилар.

Мухаммад Юсуф бу туйғуни Америкадаги етти иккимга машҳур «Берлингтон индустри» компаниясида амалий хизматни ўтаётганида яна бир бор ҳис қилди.

«Берлингтон индустри» компанияси дунёнинг турли мамлакатлари учун сунъий толадан газлама ишлаб чиқаради. Бу ерда барча технологик жараён компьютерлар орқали, техник роботлар ёрдамида ба-жарилди. Мухими -- компанияда маҳсулот сифати масаласига шу даражада эътибор берилдики, ҳеч қандай эътирозларга ўрин қолмади. Ҳаттоки ипларнинг совуқ ва иссиққа чидамлилиги, бардошлилиги тўқувдан аввал компьютерларда текшириб кўрилади. Шу боис полиция, тиббиёт, учувчилик хизматидагиларга кийим-бошлар ушбу компания маҳсулотидан тикилади. Кенг жамоатчилик эътиборини тортган «Мак-Дональдс» компанияси ҳам шу корхонанинг буюртмачиси ҳисобланади...

«Газмол Анд» бошлиғи Мухаммад Юсуф Бунтроссия Ташки савдо академияси томонидан Англия ва АҚШга юборилган бўлиб, у ерда жуда кўп нарса ўрганди. Лондондаги «Вест Минстер» дорилфунунида, «Англо Континентал» мактабида инглиз тилини мукамал эгаллади. Ва она шаҳрига қайтган, жамоаси ишини тубдан қайта тузди. Аввало, маҳсулот сифатига ижобий баҳо берилмагунча, савдога чиқармаслик услубини қарор топтирди.

«Газмол Анд» ўз ўтмишдошининг меросхўри эмас, Авваллари тўқимачилик моллари билан улгуржи савдо қилишга ихтисослашган вилот савдо базаси деб аталмиш ташкилот бўл-губэи эди. Саноат корхоналари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тармоқлари, савдо шох-бобчалари газламаларни мазкур базадан оларди-лар. Замон ўзгарди. Бозор иқтисодиётининг шакли шамойили таъминотни издан чиқарди. Корхона завод-фабрика-лар билан воситачисиз алоқа қила бошлади. «Қўли узун» ташкилот

жар ёқасига келиб қолди. Муқаддам 83 нафар ишчи-ходим ишлаган бўлса, уларнинг сони 42 тага тушди. «Баққоллик» улгуржи савдо базасининг биноларидан фойдаланилгани учун ижара ҳақи тўловлари ҳам унга оғирлик қила бошлади.

Тешабоев Тошкент халқ ҳўжалиги институ-тини тугатган. Собиқ ташкилотда оддий товар-шунослиқдан тортиб ди-ректор ўринбосарлигига-ча, кейин вилот савдо бошқармасида бошлиқ муовини бўлиб ишлаган. База тугатилди, «Газмол Анд» ёпиқ ҳиссдорлик жамияти ташкил топган, унинг раиси бўлди.

савдо дўконлари очиш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, хориж билан иқтисодий алоқаларни ўрнатиш каби масала-лар вазифа қилиб қўйилди. Энг асосийси -- корхона қурилиши учун маблағ топиш лозим эди.

Ўша кунларда чакана савдо учун рухсат берилмаган, яъни маҳсу-лотга устама нарх қўйиш мумкин эмасди. «Қало-вини топса, қор ёнади», дейдилар. «Газмол Анд» жамияти «Хасанот»га хо-машё етказиб берди. Тикувчилар халқ эҳтиё-жини ҳисобга олиб, бир неча турда маҳсулотлар тайёрлай бошлашди. Сотувга келганда эса, «Газмол Анд»дагилар бел боғлашди. Бошқа-чароқ қилиб айтганда, Анд» ёпиқ ҳиссдорлик жамияти ташкил топган, унинг раиси бўлди.

зорча тиклашни мўлжал-лашяпти. Савдо марказини айлансангиз, кўнгилга ёруғлик тушади. Боиси -- бу ердаги маҳсулот-лар ўзга дўконлардагидан анча арзон.

Андижонда Тешабоев ҳақида гап кетгудек бўл-са, ишининг кўзини би-ладиган дейишади. Ундаги бу хислат дадаси Муталибжон ҳождидан ўтган бўлса ажаб эмас. У киши узок йиллар мо-байнида савдонинг тур-ли бўғинларида ишла-ганлар. Қолаверса, Му-хаммад Юсуф 1990 йил-да Ленинград молия иқ-тисодиёти дорилфуну-нида «Улгуржи савдо са-марадорлигини оши-риш» мавзусида илмий иш ёқлаган. У «Газмол Анд» учун қурилиш ҳа-ракатини бошлади-ю, кейин режани ўзгартир-ди. Модомики, корхона-

ти. Аммо бу ягона анда-задаги маҳсулот эмас. Буюртмага қараб, ишни ўзгартираверамиз. Хар ойда 500-600 сўм иш ҳа-қи оляпмиз. Янги шаҳар худудидаги тикув цехи-даги орасталик, саран-жом-саристаликни кў-риб эса, ҳавасингиз ке-лади. Бу ерда 11 нафар тикувчи маҳсулотга чок босаяпти.

-- Чеварчилик курси-ни тамомлаб, шу ерга келганман, -- дейди Хо-лида Ҳамроева. -- Жа-моамиз ахил. Ишимизда узилиш йўқ. Ойига 450-500 сўмдан иш ҳақи оляпмиз.

Ёқутхон Матисаева ав-вал Избоскан тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш бўлимининг раҳбари эди. Эндиликда у «Газмол Анд»нинг иш-лаб чиқариш бўлимини бошқармоқда. Оланинг айтишича, яқин кунлар-

гилли ўтказиш ниятида тўйхонани безатиш, ўрин-диқлар билан таъминлаш маъсулиятини ўз зим-масаига олди. Биз ана шун-дай тўйлардан бирида бўлдик. Кираверишга жу-да чиройли арк тикланган. Тўрт томон ясама девор-лар билан қопланган. Ҳа-дислардан қайдлар, халқ мақоллари, улуг сиймо-ларнинг ибратли сўзлари ёзилган. Улар тўғрилиқка, ҳалолликка, иймонли бў-лишга ундайди. Мутасад-диларнинг таъбирича, тўйхона фақатгина кўнгил очадиган гўша эмас, тар-ғибот, ташвиқот ўчоғи ҳам-дир. Тўйлар эса ортиқча ҳашамларсиз, ичкиликсиз ўтказилмоқда.

Тадбиркорлар яна бир савобли ишни бошлаш-моқчи. Шаҳар ҳокимлиги билан келишувга мувофиқ, гавжум маҳаллаларда ян-ги тўйхоналар қурилади. Келгусида миллий мейморилик услубида барпо этилган бундай би-ноларда «Газмол Анд» ан-дичонча тўй ўтказишни ка-фолатлайди. Буюртмачи истагига биноан, барча хизматни корхона ўз зим-масаига олади. Базмни қи-зитиш учун санъаткорлар билан алоқа боғлайди. Бир сўз билан айтганда, тўй эгасининг оғири енгил қи-линади.

Ҳа, «Газмол Анд» шу та-риқча андичонликлар қал-бига кириб бормоқда. Унинг дўконларидаги со-тувчилар хушфезл, хуш-муомала. Бирор нарса ха-рид қилмай чиқиб кета ол-майси.

Ҳиссдорлик жамияти-нинг раиси Мухаммад Юсуф Тешабоев биз би-лан суҳбатда бундай дейди:

Бизнинг шиоримиз: «Иймон ва эътиқод, ҳалол-лик, поклик ва тўғрилиқ, яхшилик, яхшилик ва яна яхшилик». Шундай экан, дилимиз тилимиз, сатй-ҳаракатимизу феъл-атво-римиз монанд бўлиши ке-рак-да. Аслида савдогар-нинг ширинсўзлигию хуш-муомалалиги, одобию тў-ғри сўзлиги унинг катта бойлигидир.

-- Корхона нафақат халқ истеъмоли молла-ри, балки аҳолини до-ри-дармонлар билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишларни амалга ошираётган экан-а?

-- Москвадан умумий миқдори 50 миллион ру-блик ўта зарур дори-дар-монлар «Хасанот» шир-кати орқали олиб келинди. Унинг кўп қисмини Анди-жон шаҳридаги шифохо-наларга хайрия сифатида тўхфа қилдик.

-- Сизларда ишчи-хизматчиларнинг мод-дий манфаатдорлиги қандай?

-- Шартнома бўйича иш-лаётган тикувчи ва уй бе-каларининг аксарияти хар ойда 800--1000 сўмдан иш ҳақи олмақда. Қолаверса, ойига 200 сўмдан тоvon пули, хар чорак якунида эса мукофот пули ҳам бе-рилади. 4 та ночор оила ҳамда 4 нафар уруш фах-рийсини оталиққа олган-миз. Бундан ташқари, кор-хонамизда ишлаб, пенсия-га чиққан фахрийларни тез-тез йўқлаб, уларга моддий ва маънавий ёр-дам кўрсатаймиз.

Ҳиссдорларимиз ола-ётган фойда ҳам чакки эмас. Хусусан, ўтган йил якунига кўра, улар акция-лари учун 400 фоиздан зиёд дивидент олдилар...

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ислохот оидимлари

ХАЛИЛ ФЕРМЕР

ОҲАНГАРОНда шунча йил ишлаб, тумани-ни бутун худудларини деярли икки-уч мартадан пйёда кезиб чиқиб, жуда кўп деҳқонлар, фер-мерлар, чорваларнинг отарларида тунаб, Ха-лил фермернинг кимлигини билмас эканман.

Бир кун туш пайтида мош-гуруч соқоли ўзига ярашган, зуваблар пишқ қария ишхонамига кириб келди. Саломла-дик, бир пйёда чойдан кейин отахон ўзини таништирди:

-- Мени Халил фермер, дейдилар, ўғлим. Ҳали фермер деган гаплар чиқмаган пайтлардаёқ шу ишга қўл ургандим. Худого минг қатла шукри. Президентимиз бу ишга кенг йўл бердилар.

Маълум бўлишича, Халил ота Саъдиев Охангарон тумани-даги «Галлакудук» давлат ҳўжалигининг йиғинасида фермер-лик қиларкан. Бу ерга бир ўзи эмас, укалари, келинлари, ўғил-қизлари билан кўчиб келибди. Ҳўжалик уларга алоҳида уй-хўли берибди. Авваллари бу ерда деҳқончилик қилишар-кан. Шартнома тузишиб, ҳўжаликдан 30 гектардан кўпроқ ер олишибди. Картошка, сабзи, кади, максажхўри ва беда экишиб, мутасид юқори ҳосил олаётганлиги. Ўтган йил-нинг октябрдан бошлаб Халил ота ўз маблагига бир неча мол сотиб олди.

Ўша кунни Халил ота билан маслаҳатлашиб, фермасига бордим. Муваққат чайлада ёнбошлаганча, радионинг қулоғи-ни бураб, концерт тинглаётган экан. Мени кўриб, етиббо-лимга чиқди. Чайлага бир зумда унинг укалари, ўғиллари кириб келишди. Дастурхон устида сўхбатимиз обдон қилди.

-- Давлатда 14 тонадан кўпроқ тарвуз сотдик, -- дедан бошлади Халил ота. -- Уч гектардаги бедани тўрт марта ўриб олдик, ҳосили ўзимизда қолди, молларимиз бор. Ҳўжалик директори Абдумалиқ Қўшмуҳаммадов қўлаб-қувватлай ту-рибди. Анчагина сомон ҳам олдик улардан, ахир фермамизда мол ҳам қўла, болам. Тарвузнинг ўзидан 8650 сўм даромад олдик, сотаётган сўтимиздан келаятган маблаг ҳам анчагина бўлиб қолди. ҳозир нассадаги ўз ҳисобимизда 4000 сўмдан кўпроқ пулимиз бор. Бу еган-ичганимиздан ортиқчаси.

Ота билан фермани айландик. Оғаларда ўнга соғин сиғир боғлиқ турибди, сал нарида ўн бир бош йилди, кичик йилвода эса қирдан зийб қўй ўтarmoқда.

-- Бу молларнинг ҳаммасини ўз пулимизга сотиб олган-ман, -- дейди ота. -- Давлатдан пул қара олганим ҳам мумкин эди. Лекин бундай қилмадим, имкониятларим бор эди, қир-та қўла қилдим. Мана, йил зумди, улар қўй бўлди. Ўтган йилги даромадимиз укаларимизга қўшилиб сиғир, отар-ларини сотиб олишга етди. Бу пуларнинг ҳаммаси ердан чиққан. Ерининг ёмони бўлмади, уни яхши қилиш деҳқончи-лиг ўзига боғлиқ. Аслида бу ерлар қўшиб қолган, сув юрмай-ган эди. Қўлақда триктор сотиб олдик, шундан кейин ишимиз анча юришиб кетди. Укам Маъдихон асли трактор-чи, қарваларинг экинларини култивация қиладиган агрегат топиб келди, ўзи таъмирлади. Ерининг мелiorация хoлатини укаларимнинг ўзлари яхшилади. Баҳорда 70 кило беда урути сотиб олган эдик, 2 гектар ерга етди. Яхши ушиб чиқди. Ҳудуде, ишимиз анча юришиб кетди. Ерин ҳўжалик билан шартнома тузиб, 8 йилга олганмиз, шартноманида бу муддатни узайтириш ҳам қўла тутилган. Иложи бўлса, қўла яна ерин қўлайтириш ниятимиз бор. Ҳў-ў, теялигини кўрип-сизми? Ўшани текислаб, бедазор қилмоқчимиз...

Ўша теялиқча чиқди, унинг ёнида каттагина чуқурлик бор. Агар текисланса, бир гектардан ортиқроқ экинзор ҳосил бўлади. Халил ота бу ишга қаттиқ оғиришибди. Сал нарида анчагина йўтон тераклар ёсмоқда. Қўринишдан иморатга яраб қолганлиги.

Экиннинг етти йилча бўлди, -- дейди фермер. -- Атрофидики қадиларини териб олгач, кесамиз уларни, отхона қуриш керак. Келгуси йил қўлақда сиғирларимиз ўн олтига, отларимиз йипирмага, қўйларимиз эса юзга яқинлашади. Улар учун қўшимча «бошпана»лар қурамиз...

Халил ота шу кунгача Олмаўлик шаҳридаги корхоналардан бири билан шартнома тузиб, анчагина сўт сотибди, насалхо-на учун бир тонага яқин қимиз берибди, давлатга икки тонадан кўпроқ гўшт топирибди. Укалари Маъдихон, Мир-сўлтон, Абдуманнон, Мирсиз, Миршероф, пуштингек ўғил-лари, келинлари муштазам мол боқиб, хашак жамғариш, сўт соғиб, экинлар парварини билан машғул бўлишди. Фермер ҳўжалигиде муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу ерга га етиб келмаган, муваққат чайлашга электр симлари тортилгани керак.

Шу йилнинг ўзида Халил ота малакўз ўттиз гектар ердан ярим миллион сўмга яқин даромад олди. Чорвадан келган даромад ҳам унинг ярмича бор. Ота қўлдан бери бирор кичик юк машинаси илгизда юрибди. Мақсади -- етиштирилган ҳосилни ҳам ўз машинасида ташин.

-- Ҳўв аяни ерларга қўла тушди кўпроқ қаламча қилиб терак эканман. Йилда, ёнғоқ эвадиган жойларим ҳам бор, -- деди у дала айланиб, ина чайлага яқинлашганимида.

-- Охангаронда Қорахитой ва Теловдан булан жойларда жийда билан ёнғоқ кам қолди. Нонинсофлар қириб, ёниш-ти. Ахир бу мевалар нон уришга ўтди-ку! Уларни қўлайти-риш керак. Яна, нимагадир, халгача ўзимизнинг эски қура-ма гурчи, деб аталган шовиларимизнинг уруғлари тиклан-маляпти. Бугунги айтсам, бошларим ва укалариминг ҳаммаси-ни деҳқончиликка ўргатдим. Оламдан ўтиб кетсам, одамлар «Халил фермернинг бошларини», деб, улар туфайли мени ҳам оёлаб юрадлар-да. Худого минг қатла шукр, мақсадимга эришдим. Энди уларга яна битта оғилхонага отхона қуриб берсам, кейин фермерликни фарзандларинг бериға бе-рам-да, болам! Ҳа, айтгандай, отам нафқа олмаганлар, мен ҳам бутуриги йилгача нафқа олгани ниятламадим, яқинда директоримиз қойилди, одамлар кейинроқ сизни ҳалол меҳнат билан кўп ўтказмагани учун нафқатга чиқмаган дейиш мумкин, дейдилар. Ёшим етмишдан ошиб, энди наф-қага ҳарият қиламан. Қани, бир қор-хайр бўлар...

Мўмин ҚАЮМ,
«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.

МАҚСАД: ЯХШИЛИК, ЯХШИЛИК
ВА ЯНА ЯХШИЛИК...

Ижарада ишлаш ўзга-нинг қош-қовоғига қараб яшашдай гап. Жамоа корхонанинг ўз иншоот-ларини қуришни лозим деб топди. Бунга энг ка-мида 5 минг квадрат ме-тр майдон талаб этилар-ди. Шу боис янги корхо-на учун Андижон тумани худудидан 4 гектар ер со-тиб олинди. Тез орада қурилиш ишлари бошлаб



да Асака туманидаги «Ўз-бекистон мустақиллиги» жамоа ҳўжалигида кор-хонанинг 3-цехи ишга ту-ширилади. Янги цехга 30 та тикув машинаси ўр-натилиб, иш 2 сменада олиб борилади. Натижа-да 40 дан зиёд уй бека-си иш билан таъминла-нади. Дарвоқе, корхона маъмурияти уларга 30



СУРАТЛАРДА: «Хасанот» савдо маркази (юқорида), Т. Исоқов (чапда), Мухаммад Юсуф Тешабоев (ўртада), Ш. Холдорова (унда), гишт терувчилар (пастда).



юборилди. Аммо «Холва деган билан оғиз चु-чимас» деганларидек, «Газ-мол Анд»нинг қурилиш ишларини олиб бориш учун қўли қалталик қи-либ қолди.

Аввалига жамият қо-шида тикувчиликка йў-налтирилган «Моҳир» ки-чик корхонаси ишга ту-ширилди. Қисқа муддат ичида 37-38 турдаги маҳ-сулот ишлаб чиқарилди. Аммо мутахассисларнинг тўғри танланмаганлиги, ишлаб чиқаришдаги муаммолар панд берди. Албатта, муваффақият-сизлик уларни тушкун-ликка туширмади.

-- Чакана савдони йўл-га қўймасак бўлмайди. Хорижлик ҳамкорлар би-лан алоқа боғламаслик ўз қобилимизга ўзимиз ўралиб қолишдай гап, -- таъкидлади Фиёсиддин Исоқов.

Ўринбосарнинг тақли-фи бошлиқни ўйланти-риб қўйди. Мухаммад Юсуф -- етти ўлаб, бир кесадиган йигит. «Така бўлсин, сўт берсин», дейдиганлар тоифасидан эмас. Аммо корхона фойдаси учун жонини жабборга беради. Шу боис «Газмол Анд» ва «Атторлик» ҳиссдорлик жамиятлари ҳомийлиги-да мустақил ҳисоб қа-маига эга «Хасанот» кўп тармоқли ширкат қад ростлади. Унинг зим-масига ишсизларни иш би-лан таъминлаш, чакана



«Қизил тонг», «Андижон» тикув-ишлаб чиқариш бирлашмалари, турли фабрикалар билан ҳам-корликда маҳсулот тайёрладилар.

«Хасанот» кулочни кенг олди. Корхонада тикилган маҳсулотлар Болгарияга жўнатилди. Эвазига хориждан эҳ-тиёжбоп маҳсулотлар олинди. Хусусан, Рос-сиядан озиқ-овқат, ку-рилиш материаллари келтирила бошланди. Туманларда ширкатнинг дўконлари очилди. Хо-зир уларнинг сони 8 та-га етди.

Асака шаҳрига кириб бораверишда «Хасанот» савдо маркази савлат тўкиб турибди. Уни тад-биркорлар республика-миз мустақиллигининг 3 йиллиги арафасида иш-га туширишган. Улар келгусида худди шу ер-да чойхона, кеча-кундуз ишлайдиган ёнилғи қуйиш шохобчаси, авто-машиналарни ювиш, ту-затиш устaxonаси, бо-

ларни маҳсулот билан таъминлаш издан чи-қан экан, хайхотдай ом-борхоналарни тикла-моқдан не фойда? Жа-моадагилар маслаҳатни бир жойга қўйиб, Гер-мания ҳамда Голландия-нинг илғор фирмалари билан қўшма корхона тиклашни режалашти-ридилар. Ижарадаги би-но эса сотиб олинди.

Кейинроқ шаҳарнинг икки даҳасида тикувчи-лик цехи ташкил этил-ди. Маҳсулотни бичув-чилар бош корхонанинг фойдаланилмаётган хо-наларига жойлашти-ришди. Энг аввало, хар икки цехга юборилаёт-ган маҳсулот сарфи на-зорат қилиниши ту-файли иқтисодий тежа-ш икони пайдо бўлди.

Биз бичув цехи бош-лиги Тохиржон Исоқов билан суҳбатлашдик.

-- Шу мўъжазгина хо-нада 6 киши ишлаяп-миз, -- сўз бошлади у. -- Кўнига 200-250 донга ат-рофида халат бичилаяп-

дона «Чайка» тикув ма-шинасини арзон баҳода берди. Бундай йўл ту-тишининг боиси бор. «Газмол Анд» 160 та за-монавий дастгоҳ сотиб олди.

Республикамиз Пре-зиденти Андижонга кел-ганларида, фойт муҳим масалани илгари сурди-лар. Вилотда аҳолининг ўта зичлиги ҳисобга оли-ниб, қўшимча ишчи ўри-лари яратиш лозим деб топилди. Бу борада, айниқса, «Газмол Анд» тадбиркорлари ғайрат-шижоат кўрсатишмоқда. Масалан, яқингача жа-моада бор-йўғи 42 на-фар одам ишларди. Эн-ди бу кўрсаткич 180 дан ортиб кетди. Тез кунлар-да эса улар сағига яна 54 нафар ишчи-ходим қўшилиди.

Авваллари транспорт керак бўлса, ўзга корхо-нага чопиларди. Оқибат-да оворгагарчиликни қўя туринг, маблаглар беҳу-дага кўкка соғурилари. Жамият ўз транспорт хў-жалигини ташкил этди.

Бундан ташқари, вилот-нинг турли шаҳар ва ту-манларида 12 та чакана савдо дўкони очилди. Уларда 30 дан ортиқ иш-чи ишламоқда.

Излаган имкон топа-ди, дейдилар. «Газмол Анд» газанин бойитиш мақсадида турли хайри-ишларга ҳам бош қўша-пти. Яқинда тўй ва бош-қа маросимларни кўн-

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан 1993 йил 9 апрель куни 342/4 сонли Тошкент шаҳар, Шаҳантоҳур тумани ҳокимияти қарори орқали 1185-Рее-стр рақами билан рўйхатга олинган «ИСТ ТРЕЙД» маъсу-лияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхонасига шу ҳақда берилдики, у Ўзбекистон Республикаси худуди-да ўзбек ва хорижий юридик шахс ва фуқаролари томо-нидан тузилмаган қўшма корхоналарнинг Давлат реестри-да қайта қайд этилган.

Корхона Ўзбекистон қонунлариға кўра юридик шахс ҳисобланади ва ўз фаолиятини таъсис ҳужжатлари асоси-да амалга оширади.

Корхонанинг юридик адреси: Ўзбекистон Республика-си, 700011, Тошкент шаҳар, Навои кўчаси, 69-уй.

Реестр рақами: 1185

Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги Ҳамза номи-даги Ўзбек давлат академик драма театри актери, Ўзбекистон халқ артисти

НАБИ РАҲИМОВнинг вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзо-ларига таъзия изҳор қилади.

А. Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институти ректорати ва касба уюшмаси «Омийли байрамлар режиссёрлиги» кафедраси ўқитувчиси М. Мўқимовга фарзанди

Мақсуджоннинг бевақ вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат техника университети раҳбарияти ва ходимлари «Ишчи-чиқариш жаранларини автоматлаштириш» кафедраси профес-сори Х. Э. Эгамбердиевга волидан муҳтарамаси

Хўри ағ ЗАМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Юзма-юз

Раиса ШОДИЕВА,
метеорологЭРТАГА ЁМҒИР
Ё ЁҒАДИ, Ё ЁҒМАЙДИ

Халқ орасида «Ёсга ёғди, ёғмас... томчилаб ўтади» сингари ҳазил-муййиба аралаш гаплар юрадики, бу, аввало, об-ҳаво катта-кичкини бирдек қизиқтирганидан.

Инсоннидан, «уйдаги гап кучага тўғри келадими», яъни қор-ёғирни жикловлаб бўлмаганидек, ҳавонинг раёини кўп-да аниқ билиш қийин. Бироқ дунё миёсида бу борада сезиларли ютуқлар мавжуд, шу соҳа билан махсус фахшлар шугулланиди, халқаро доирада мукаммал тизим фаолият кўрсатади.

Хуллас, ана шу қизқарчилар ва сирли олам ҳақида Ўзбекистон Республикаси Вазири Маҳкамаси ҳузурида Гидрометеорология бош бошқармаси Гидрометеорология маркази бошлиғи Р. Шодиева билан суҳбатлашдик. Муҳожирига об-ҳаво олдидан айтиб беришда сўнгги йўлдошлардан микрофизик жараёнлар ҳақида олинган ахборотлардан фойдаланиш мавзусида Санкт-Петербург гидрометеорология институтидида диссертация ҳимоя қилган, физика-математика фанлари номзоди.

— Раиса Ғуломовна, Сиз раҳбарлик қилаётган марказнинг ташкил этилиши, иш тартиби, вазифаси кўнчилигини қизиқтирдим.

— Инсон фаолиятининг барча нақиллари бевосита ёки бевосита об-ҳаво шароитларига боғлиқ. Ҳинг ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий ҳаётга таъсирини худди атмосфера каби доимийдир. Тўғри, ҳозирча об-ҳаво бошқаруш имкони йўқ, бироқ кузатишлар ва ҳисоб-китоблар асосида олдиндан табиат равишининг айтиб бериш мумкин, бу йўналишда мамлакатимизда.

мизда ҳам узок йиллик тажриба мавжуд.

Утган асрда, аниқроғи, 1867 йилда Тошкентда биринчи метеорология станцияси ўрнатилган эди. Шундан бери бизнинг марказимиз тассаруфида 400 га яқин кузатиш ва тадқиқот нуқтии иш олиб боради. Албатта, фаолиятини ташкил қилишда дунё ҳамжамиятида қабул қилинган ягона тизимга амал қилинади. Негаки, об-ҳаво ва умулман табиатини кузатиш эртанги ишларни ташкил қилиш учунгина эмас, балки ер юзидида, бутун Галактикада кечадиган жараёнларни таҳлил қилиш, ҳулоас чиқариш, лозим бўлганда баъзи табиий офатларга тайёргарлик кўриш учун ҳам зарур. Эндикда республика Гидрометеорология маркази хизматидан мингдан зиёд ташкилот ва корхона фойдаланади. Уларнинг сафиди энг юқори бошқарув идораларидан турли вазирлиқ, қўғам ҳокимликларига бор. Биз тайёрлаган хабарлар ҳар кун кўпал идораларга кириб боради.

Ҳозирча ўртача беш кунлик маълумотларни тайёрлаймиз. Ундан ташқари ҳар ойлик об-ҳаво маълумотлари ҳам ишлаб чиқиладди. Унда Ўзбекистондан ташқари Марказий Осиё республикаларидида ахвол ҳам акс этади.

— Об-ҳавонинг олдиндан билишнинг ахборот манбалари қайсылар?

— Бу юмўшун Жаҳон метеорология ташкилоти мувофиқлаштириб туради. Бизнинг ре-

публикамиз ҳам 1993 йил 22 январдан мажор ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзои ҳисобланади.

Кўнлик об-ҳаво маълумотлари Шимолий Муз океанидан тарқаладиган оқимлар йўналишида каттада акс эттирилган ҳолда ишлаб чиқиладди ва Гринвич вақти билан 00 соатдан бошлаб, керакли нуқталарга ушатилади. Бу маълумотлар маълум таҳлиллар билан бизнинг марказимизга соат 8 лардан етиб келади. Соат 10 да эса Европа қўруқлигидаги об-ҳавонинг ахволи юзасидида хабарларни оламиз. Бундай маълумотлар таққосланиб, зарур ҳулоаслар чиқарилади. Бунда архив маълумотларидан ҳам фойдаланилади. Бир ойлик маълумотлар ишлаб чиқилганда архивдаги олдинги хабарлар ҳам таққосланади.

Энг муҳим ахборот манбалари жойлардаги кузатув нуқталари ҳисобланади. Улар жағум шаҳарлардан тортиб инсон қадами етмайдиган абайди музлар водийси-ю жазирага қўшларга қўйилади. Олайлик, Свирев музалиги ёки Устюртдаги Жонкеддин ёқиди Ойбайғал нуқталаридаги шаронглар бир-биридан фарқланади. Бу жойлардан келувчи радиоахборотлар марказлаштирилади, қўйилади, илмий таҳлил этилади ва зарур ҳулоасларга келинади. Бинобарин, уч-тўрт сатра ифодаланадиган, қўйини олдин маълумотлар ана шундай бир қанча бошқарилган жараёнлар тўғрисида қўлга киритилади.

— Тарарқий этган мамлакатларда бу соҳага эътибор қандай?

— Маълумки, ҳозирги ко-

мпьютер асрида бу ақлли машиналар кўп муаммоларни ҳал қилишда инсонга яқиндан ёрдам бермоқда. Дунёдаги энг йиллик марказларда бир неча йиллик об-ҳаво маълумотлари компьютер хотирасига киритилган бўлиб, керакли маълумот саноқли дақиқаларда хизматга шайланади. Энди сиз чанг босган жылдарда сайланувчи ётқидек қўғамлар уюмини титқиллаб, керакли рақамни топиш дахмасини ҳаётга келтириб қўйинг. Бу масаланинг олдинги томони. Ундан ташқари ҳодимларга ҳам алоҳида талаб билан ётқидилади. Масалан, об-ҳаво идорасида ишлайдиганлар тўғрисида аҳоли вақили ёки камда беш йиллик фўқаролиги бўлиши шарт. Хуллас, бу масалада энг муҳим давлат юмўшун нўқтан назаридан қаралади. Синопислар, метеорологлар энг нўфўзли ва обрўли кишилар саналади.

— Сир эмас, баъзан маълумотлар тўғри келмайди. Бу ҳолнинг аниқ сабаблари борми?

— Шундай бир ақлда мавжуд: «Иманики санаб ёзи ўзлаб бўлмас, уни тушуниб бўлмайди». Шунга мувофиқ бир ҳолатини инкор этиш мумкин эмас. Фақат бизда эмас, балки дунё миёсида ҳам табиатдаги жараёнларни аниқ ўлчаш ёки тўла баҳолаш имкони яратилмаган. Бунинг учун ўта аниқлик ишлайдиган, тақомиллашган асбоб-ускуналар лозим. Тўғри, бу борада жиддий муваффақиятлар бор, бироқ само каби чексиз табиат ҳодисаларини юз фўз тадқиқ этиш даражаси имкониятдан ташқарида. Шундай бўлган, табиийки, олдинги маълумотлар жуда аниқ бўлмайди ёки кечикиб қўлга киритилади.

«Халқ сўзи» мухбири
Хасим САТТОРИЙ
суҳбатлашди.

СОҲА
МУТАХАССИСЛАРИ
ЕТИШМОҚДА

Саноат графикаси, рассомчилиги мутахассислари саноат маҳсулотларининг миллий қиёфасини шакллантириш учун хизмат қилади.

П. Беньков номидаги республика рассомчилиги билим юртида дизайнерлар бўлими очилди. Миллий саноат халқ амалий санъати ривожланган сари дизайнлар, яъни маҳсулотни безовларга талаб катта бўлади.

Чунки нафис безаклар тайёрланган буюмга чирой бахш этади. Бу касб эгалари илгари Москва ва Ленинград шаҳарларидагина ўқитилар эди. Бўлимда илк бор йигирма тўрт нафар талаба компьютер графикаси билан шугулланишга киришди. Улар келажакда саноат маҳсулотларини бадиий безовчи мутахассис бўлиб етишади.

Наби РАҲИМОВ



Яго, Гоголнинг «Ревизор» комедиясида Хлестаков, М. Шайхзоданинг «Мирзо Улуғбек» драмсида Бобо Кайфий образларининг яратилиши ва кино оламида «Утган кунлар», «Кутлуг қон», «Беруний» ва «41-йил олмалари» фильмлари томошавийлиги ва халқчилиги Н. Раҳимов ижоди билан чамбарчас боғлиқдир.

Унинг улкан хизматлари республика ҳукумати томонидан муносиб тақдирланди ва томошабинлар қалбиди ўчмас из қолдирди.

Уруш ва меҳнат фахрийси Наби Раҳимов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист», «Халқ артисти» унвонларига сазовор бўлди. Турли орден ва медаллар билан тақдирланди. Санъат бобида сидқидилдан қилган хизматлари учун давлат мукофотларини олишга муяссар бўлди.

Ўзбек халқининг севимли фарзанди, театр ва кино санъатининг бекиёс ҳисса қўшди, республика ижтимоий ҳаётида фаол иштирок этди.

Наби Раҳимов ижодий фаолияти давомида ўзбек миллий, чет эл, қардош халқлар асарларида турли образларни жонли акс эттирди. В. Шекспирнинг «Оттелло» трагедиясидаги

И. КАРИМОВ, Э. ХАЛИЛОВ, А. МУТАЛОВ,
И. ЖҲАБЕКОВ, С. САЙДҚОСИМОВ, Т. АЛИМОВ,
Х. ЖҲАБЕВ, Э. ХАЙТИБОВ, Б. ҚОРИЕВА,
М. ҚАЙМОВ, Е. АҲМЕДОВ.

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ
ТЎЛОВЛАРИНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСЛУБИ

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ -
Сизни нақд пул олиб юриш
ташвишидан халос этади.



Республикамизнинг барча ҳудудиди
дўконлардан ва савдо
ташкilotларидан харид қилинган
қимматбахш буюмлар учун ҳисоб-китоб чекларини тақдим этиш мумкин.

Шунингдек у бошқа қўғам хизматлар учун ҳақ тўлашда ҳам нақд пул ўрнини босади.
ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ - бу шахс номига берилган пул ҳужжати бўлиб, у
Жамгарма банки томонидан омонатда сақланаётган жамгарма ҳисобидан,
шунингдек Жамгарма банкига нақд пул тарзида топширилган маблағ
ҳисобида исталган миқдорда ёзиб берилади.

ХИСОБ-КИТОБ ЧЕКИ ХИЗМАТ ВА ТЎЛОВЛАРДА ХИСОБ-КИТОБНИНГ ҚУЛАЙ УСУЛИДИР.
Ўзбекистон Республикаси
Жамгарма банки.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ДИҚҚАТИГА !!!
Ўзбекистон давлат суғурта муассасалари 1994 йил
1 ноябрдан бошлаб фуқароларнинг қўшимча пенсия
суғуртасини жорий қилдилар.

Ушбу суғурта тури пенсия ёшига етган ҳар ойда ўша даврда республикада амалда бўлган энг кам миқдордаги пенсия пулини қўшимча олишингизни таъминлайди.

Бу суғурта шартномасини тузган фуқаролар бахтсиз ҳодисалардан ҳам суғурта қилинган ҳисобланадилар.

**ОЗ МИҚДОРДА СУГУРТА БАДАЛИ ТЎЛАБ БОРИШ ОРҚАЛИ
СИЗ ЎЗИНГИЗНИ ПЕНСИЯ ЁШИГА ЕТГАЧ ҚЎШИМЧА
ДАРОМАД БИЛАН ТАЪМИНЛАГАН БЎЛАСИЗ !**

Маълумотларни 76-97-56 телефон орқали ёки вилот, туман, шаҳар давлат суғурта муассасаларида олишингиз мумкин.
Ўзбекистон давлат суғурта бош бошқармаси.

"Ўзмашсавдо" фирмаси

Тошкент шаҳридаги омборидан бозордагидан арзон нархларда қўйидагиларни сотиш имкониятига эга:
- МА3 ва БелАЗ юк автомобилларининг барча турларини
- Минск шаҳридаги ДПЗ-11 да ишлаб чиқарилган подшиникларни
- МТЗ тракторларини

- 1022А ва 97А классли саноат тикув машиналарини.
Ҳўжаликларнинг иштиёридаги маҳсулотларни ўзaro етказиб бериш масалаларини қўриб чиқишга тайёрмиз, жумладан:

- пахта толаси
- қўрилган мевалар
- мултиден
- минерал ўғитлар
- жузун
- сабзавот ва мева консервалари
- вольфрам
- ва бошқа маҳсулотлар

Манзили:

700059, Тошкент шаҳри,
Усмон Носир кўчаси,
1-тор кўча, 6-уй.

телеф: 53-89-50
факс: 53-85-31
телемайн 336142 "ЗИМ"

Алишер АВЕЗБОВ. 1971 йилда туғилган. Бокс бўйича Ўзбекистоннинг тўрт қарра чемпиони. Бир қатор халқаро турнирларнинг совриндори. XII Осиё ўйинлари ғолиби. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи. Халқаро майдонда эришган муваффақиятлари учун, «Шухрат» медалига сазовор бўлган.


Алишерни бағланганлар унинг боксчи эканлигига ишонмайдилар. Чунки у аввало, чехрасидаги зиёли кишиларга монанд нур билан назарини тўшади. Овози ҳам майин, дарҳол суҳбатга киришиб кетадиган, очик кўнгли йигит. У муҳиримизга қўйидагиларни гапириб берди.

— Менимча ҳар бир спортчи бирор мусобақада қатнашишдан олдин бошқаларга айтмасаям, дилида энг катта мақсадни қўзлайди. Табиий бу ҳис менин ҳам кўнглимдан кечди. Ниятим Хиросимадан ҳеч бўлмаганда Осиё олимпиадасининг совриндори бўлиб қайтиш эди. Омадим бор экан, чемпион бўлдим. Лекин ана шу муваффақиятим — Ўзбекистон довругини дунёга таратишга қўшган кичкина ҳиссам ҳукуматимиз томонидан юксак даражада баҳолашганини кутмаган эдим. Шунинг учун ҳам «Шухрат» медали ва «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи» фахрий унвони ҳаётимдаги энг қувончли, ўчмас воқеа бўлди. У нафақат мента, балки мураббийларим, Осиё ўйинларининг юқори поғонасига чача олиб чиқишган устозларим, қолаверса, бокс федерациясидигиларнинг меҳнатига берилган юксак баҳо, ишонч намунаси деб биланман. Мен қатори бир гуруҳ спортчилар, мураббийларнинг республикамизнинг медал ва фахрий унвонларига лойиқ топилиши, албатта, мамлакатимизда бу соҳанинг янада ривожланишига нафақат туртки беради, балки катта ҳисса қўшади. Уйлайманки, айни дамда турли хил спорт мактабларидида тарбияланаётган ёшлар ҳам бу воқеадан сўнг машғулотларга бошқача қўз билан қарашиб, жиддий киришишадилар. Ўз устидида тинмай ишлашиб, қалбларидида «Дунё майдонидида Ватаним шавкатини тик-

«БОКСЧИ БЎЛГАНИМДАН
БАХТИЁРМАН»

Маҳалламиз болалари — тенгқурларим мени «спорт дунёси»га олиб кирган. Уларнинг ортидан эргашиб, Хўжайлидаги бокс тўғарагига борганман. У ерда мураббий Соли Хўжайиёзов қўлида бокс сирларини ўргандим. Ўша пайтлари машғулотлар ўтказиладиган биномизда етарли шарт-шаронглар йўқ эди. Кейинчалик мураббийимиз бошчилигида ўзимиз ҳаракат қилиб, бокс мусобақалари ўтказиладиган зални тикладик. 1985 йилда бу ерда биринчи марта бокс бўйича расмий турнир — Хўжайли туман биринчилиги ўтказилди. Шундан сўнг Республика миқёсидаги турнирларда қатнашча бошладик. Устозимиз Соли Хўжайиёзовнинг бизларни биринчи марта республика миқёсидаги турнирга олиб борагани бутунгидек эсимда. 1986 йил эди. Қўқонда ўтказилган «Умид кубоғи» мусобақасида қатнашдик ва мен биринчи марта ёшлар ўртасидаги республика миқёсидаги турнир ғолиби бўлиш шарафига муяссар бўлдим.

1986-87 йиллар Москвада



лигини, бу йил эса XII Осиё ўйинлари ғолиблигини қўлга киритдим. Шу йиллар мобайнидаги энг эсда қоларли жангним албатта, Хиросимадиги XII Осиё ўйинларининг финалида Саудия Арабистони вақили билан бўлди. Чунки, менинг гаалам қитъа олимпиадасига борган боксчиларимиз, қолаверса, кўп минг сонли муҳлисларимиз учун ҳам керак ва муҳим эди. Негаки биз ўша кунгача бокс бўйича ҳали Осиё ўйинларининг олтин медалига эга бўлмагандик. Тўғри, Олег Маскаев ҳам олтин медални

қўлга киритди. Лекин Олег мендан келин рингга чиқиши керак эди. Шундай бўлишига қарамай мен ҳаётимда, ҳозир исми эсимда йўқ, тошкентлик боксчи билан 1986 йили бўлган баҳсимизни бирмунча устун қўяман. Шу йили у билан икки марта учрашдик. Биринчи марта ҳақиқатдан ҳам мен ютқиздим. Ёшлар ўртасида ўтказилган республика биринчилигида иккинчи марта рингга чиқдик. Гарчи

ватлаб турди. 1991 йил Ўзбекистон биринчилигида чирчиқлик боксчи Журавлёвни финалда мағлубиятга учратиб, чемпион бўлганимдан сўнг мамлакатимизнинг машҳур спортчиси Руфат Рискиев мени ёнига чақирган. Руфат ака мента бокс ҳақида ажайиб мақола берилган хорижий спорт журналини бериб, «жаҳон чемпиони бўлинг» дея дастхат ёзиб берганди. Ушунда зўр боксчи бўлиш учун спортчи фақат машғулотлар майдонидан ташқари назарий билимларини ҳам бойитиб бориши кераклигига амин бўлганман.

Машғулотлардан бўшаган пайтларим бадиий китобларни ўқишни яхши кўраман. Айниқса, француз ёзувчиси Александр Дюманинг асарларини севиб ўқийман. Бундан ташқари романтик ва космик музикаларни тинглашни яхши кўраман.

Адабиёт ва айниқса, музика киши қалбиди ички-интими туйғулар гўзаллашувига, ташқи муҳитга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишга кўпроқ хизмат қилади. Ички ва ташқи дунё ўртасидаги бу қарама-қаршилик, яъни музика ва адабиёт менинг профессионал боксчи сифатида шаклланишга халақит бермайди.

Чунки машғулотлар майдонидида ва турли турнирлар давомида, қисқаси рингда рақибни қандай мағлуб этиш ҳақида уйлайман. Унда эса ана шу чарчовки чиқариши керак. Иложи борида ринг ҳақида уйламасликка ҳаракат қиланман. Бу борада музика ва адабиёт мента ёрдамга келади. Яхши ҳордиқ киши қандай касбда бўлишидан қатъий назар муваффақият келтиради.

Келгусидаги режаларимга келсак... Руфат аканинг тилагига эришиш.

«Халқ сўзи» мухбири
Расул ЖУМАЕВ ёзиб олди.

СУРАТДА: Алишер Авез-
боевнинг XII Осиё ўйинлари
финалида рақибини покаути
учратилган сўғити вазият.
С. ОСТОНОВ тасвири.



ХАЛҚ СЎЗИ
НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Кенгаши Раёсати ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖҲАБЕКОВ.

• БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Халқаро 33-07-48;
Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94;
Иқтисодиёт 32-36-65;
Маънавият 32-35-60;
Ахборот 32-29-89;
Тўғри муҳарририят 33-10-28.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Худойбер.
Навбатчи — Ш. Мутахҳаров угли.